



МАИШИЙ НУТҚИЙ ЖАНРЛАР ТАСНИФИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Хасанова Фотима Мамановна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аҳмедова Дилором Улуғбековна

Қўрғонтепа туман Қорасув шаҳар 54-умутаълим мактаби инглиз тили ўқитувчиси

Изоҳли луғатларда маиший¹ сўзи бу маиший тирикчилик, кундалик яшашга оид каби маъноларни англатади. Бизнингча, маиший ҳаёт тушунчаси инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг расмий, қонуний ва ҳуқуқий жиҳатларини ўзида ифодаламайди. Бунда маиший ҳаётнинг ижтимоий, яъни жамоавий хусусиятлари асосий ўрин эгаллайди. Маиший ҳаётда инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқани юзага келтиришда иштирок этувчи нутқий жанрлар тил тизимида муайян ўринни эгаллайди². Маиший нутқий жанрларнинг ижтимоийлиги ушбу жанрлар инсонларда туғма ирсий бўлмай, муайян жамиятда муайян қоидалар асосида шаклланишини англатади. Унинг шаклланиши ва амалда бўлиши ўша жамият қонунларига бўйсунди. Тил тизимида маиший нутқий жанрларнинг хилма-хиллиги маиший нутқий жанрлар таснифи тамойилларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Маиший нутқий жанрлар нутқий актларнинг сони ва ҳажмига кўра таснифланганда, маиший нутқий жанрларнинг қуйидаги таснифи ҳосил бўлади:

- 1) Оғзаки катта маиший нутқий жанрлар: суҳбат (диний маъруза, ғийбат, миш-миш каби), митинг, дуо;
- 2) Оғзаки кичик маиший нутқий жанрлар: қадах сўзи, ҳикоя, аския, латифа, ҳазил, васият, қарғиш, сўкиш, сўкиниш, мақтов;
- 3) Ёзма катта маиший нутқий жанрлар: кундалик каби;
- 4) Ёзма кичик маиший нутқий жанрлар: хат, дастхат, бағишлов (қабр тоши ёзувлари), ёндафтарча ёзувлари каби;
- 5) Аралаш типдаги маиший нутқий жанрлар: қасамёд, мақтов (мақтов ёрлиғи), табрикнома, эълон (таъқиқ, табрик, хабар, кидирув), ирим, флирт, ариза каби.

Маиший нутқий жанрларнинг социолингвистик хусусиятлари, жумладан, эътиқод индикатори иштирокига кўра шартли равишда қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) фидеик муносабатли маиший нутқий жанрлар: дуо, қарғиш, васият,
- 2) фидеик бўлмаган маиший нутқий жанрлар: табрик, хат, мақтов каби.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2000 йил, 526- бет

² Хасанова Ф.М. Инглиз тилида дуо нутқий жанрининг лингвистик хусусиятлари ва таснифи масаласи, “УзМУ хабарлари” журналы, Тошкент, 2021, №1/5/2, 295-297 бет



Бундан ташқари кўча тилига оид маиший нутқий жанрлар, уйга оид маиший нутқий жанрлар: дастурхон жанрлари, дуо, қадаҳ, қасам кабиларга ҳам ажратиш мумкин.

Фидеик нутқий жанрлар халқнинг диний-мифологик тафаккурини ўзида акс эттирувчи нутқий жанрлар бўлиб, уларда миллатнинг эътиқоди акс этади. Ушбу жанрлар орқали асосан Худо билан нутқий мулоқоти амалга ошади. Оддий одамлар дунёси ва Худонинг қудратли кучи билан яқин алоқалари ушбу жанрлар орқали кечади. Фидеик маиший нутқий жанрларга *қасамёд, дуо, қадаҳ сўзлари, ҳамдардлик билдириши* кабиларни киритиш мумкин. Фидеик маиший нутқий жанрларни халқнинг ижтимоий-маиший ҳаётида ижобийлик ва салбийлик хусусиятларига кўра шартли равишда ижобий фидеик маиший нутқий жанрлар ва салбий фидеик маиший нутқий жанрларга ажратиш мумкин.

Ижобий фидеик маиший нутқий жанрларга *қасамёд, дуо, қадаҳ сўзлари, ҳамдардлик билдириши* кабилар, салбий фидеик маиший нутқий жанрларга эса *қарғиш, қарганиш, сўкиниш*: ер ютқур кабиларни киритиш мумкин.

Кўринадикки, фидеик маиший нутқий жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш маиший нутқий жанрларнинг ўзгармас, барқарор белгиларини аниқлашга ёрдам беради.

Дуо ижобий фидеик маиший нутқий жанр сифатида ўзбек тили тизимида муайян ўринни эгаллайди. Дуо ўзбек маданиятида дастурхон жанрининг бир қисми сифатида шаклланган. Дастурхон жанри ҳақида гапирилганда, дастурхон устида гапириладиган турли жанрлар мавжуд. Масалан, оддий суҳбатлар, қадаҳ кўтаришлар, кўшиқлар айтиш, баъзан эса таомга таклиф қилиш, саломлашиш, ёқимли иштаҳа тилаш ёки дуо билан (бисмиллаҳир роҳманир роҳийм), ва хайрлашиш, тугатиш, ўзбекларда дуо билан яқунлаш каби.

Дуо нутқий жанри тил эгаси мансуб жамият тафаккурида Худо билан нутқий мулоқот қилиш имконини берувчи нутқий жанрлардан саналади. Диний матнлар таҳлили шуни тасдиқлайдики, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги коммуникатив муносабатларда бу матнларга мазмун берувчи ва ҳаётийлигини таъминлаш имконини берувчи, нутқни қабул қилувчи бу Худо саналади. Кўпгина матнлар Худога алоқа ўрнатиш вазифасини бажариш мақсадида Худони шарафлаш орқали бошланади, Худога бевосита йўналтирилган матнлар яхшилик ва ёмонлик тилаш кабилар билан кечади. Инглиз тилида хайрлашув сўзи бўлган *good-bye* сўзи қадимги инглиз тилида *godbwyе* < *God be with ye* «Да пребудет с вами Бог!» (Худога омонатсан ўзбек тилида)демақдир.

Инглиз тилида хайрлашиш вақтида фойдаланиладиган сўзлар диний магик хусусиятли сўзлар ҳисобланади. Саломлашишда ҳам хайрли кун тилаш Оллоҳ сенга хайрли кун берсин маъносидаги сўз ҳисобланади.



Хуллас, маиший нутқий жанрларда эътиқод индикаторларининг мавжудлиги эътиқодий кўрсаткичларнинг миллий маданий хусусиятларини тадқиқ этишга йўл очади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2000 йил, 526- бет
2. Хасанова Ф.М. Инглиз тилида дуо нутқий жанрининг лингвистик хусусиятлари ва таснифи масаласи, “УзМУ хабарлари” журнали, Тошкент, 2021, №1/5/2, 295-297 бет